

ЎҚУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ

Н.Р.Машарипова

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7105342>

Аннотация. Ушбу мақолада ўқувчи-ёшларни маънавий сифатларини ривожлантиришнинг аҳамияти ва педагогик имкониятлари ҳақида маълумот берилган. Шахс маънавиятининг таркибий шаклланиши, маънавиятнинг таркибий элементлари, риводлантириш принциплари ва воситалари таҳлил этилган. Миллий қаҳрамонлар тимсоли воситасида ўқувчиларнинг маънавий сифатларини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари тақдим этилган.

Калим сўзлар: маънавият, тарбия, педагогика, маънавий тарбия, миллий қаҳрамонлар, ахлоқий маънавият, қадриятлар, маданий маънавият, аждодлар мероси.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ ДУХОВНЫХ КАЧЕСТВ У СТУДЕНТОВ

Аннотация. В данной статье представлена информация о значении и педагогических возможностях развития духовных качеств учащихся-молодежи. Анализируются структурные становления духовности личности, структурные элементы духовности, принципы и средства декодирования. Представлены дидактические возможности развития духовных качеств учащихся через воплощение национальных героев.

Ключевые слова: духовность, воспитание, педагогика, духовное воспитание, национальные герои, нравственная духовность, ценности, культурная духовность, наследие предков.

PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF SPIRITUAL QUALITIES AMONG STUDENTS

Abstract. This article presents information about the importance and pedagogical possibilities of developing the spiritual qualities of students-youth. The structural formation of personality spirituality, structural elements of spirituality, principles and means of decoding are analyzed. The didactic possibilities of developing the spiritual qualities of students through the embodiment of national heroes are presented.

Keywords: spirituality, education, pedagogy, spiritual education, national heroes, moral spirituality, values, cultural spirituality, ancestral heritage.

КИРИШ

Ёш авлод маънавиятининг юксалтириш масалалари бугунги таълим жараёнининг марказий қисмида турганлиги маънавий тарбиянинг ижтимоий-педагогик зарурият эканлигини намоён этмоқда. Ўқувчиларни маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш масалалари узлуксиз таълим тизимининг барча соҳаларида амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияларида ўзининг мустақил фикрига ва позицияга эга, ақл-заковатли, креатив фикрлайдиган, ИТ билимларни эгаллаган ва маънавий сифатлари юксак бўлган ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилган. Чунки бугунги глобаллашув жараёнида ИТ, иқтисодий ривожланиш, инновацион тараққиёт, рақамли технологиялар, инновацион таълим сингари тушунчалар орасида “маънавий тарбия” тушунчаси ҳам

муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсон омили орқали амалга ошириладиган ҳар бир жараёнда қачонки маънавий савия юқори бўлсагини самарадорлик ва натижавийлик мавжуд бўлади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўқувчи-ёшларни маънавий қиёфасини, дунёқарашини тўғри шакллантириш ва юксалтириш педагогиканинг муҳим таълимий жараёнларидан бири бўлиб, ўқувчиларни маънан юксалтиришда ўзбек халқи қаҳрамонлари тимсоли муҳим дидактик воситалардан саналади. Чунки Ватанининг озодлиги, халқининг тинчлиги, келажак авлоднинг истиқболи учун қайғурган, бор кучини сарфлаган, ўз жонини ҳам аяман Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Муқанна каби халқ қаҳрамонлари ёш авлод учун энг улуғ қадрият ва ибрат мактаби бўла олади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Маънавиятнинг шаклланиши аввало оиладига тарбия муҳитидан бошланади. Фарзанд тарбиясининг тўғри йўналтирилиши, унинг хулқ-атвори, ўзини тутиши, билим олишини назорат қилиш, қизиқишларини инобатга олиш, миллий урф-одат, анъаналар, қадриятлар, аждодлар мероси билан таништириш ва улар билан фахрланишга ўргатиш каби тарбия воситасида маънавиятни ривожлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ўқувчи-ёшларнинг маънавий сифатларини ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

- ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш;
- миллий анъаналар ва урф-одатлар, унитилмас қадриятларни эгаллашга ўргатиш;
- аждодлар меросига бўлган эътибор ва қизиқишни уйғотиш;
- миллий қаҳрамонлар шахси ва улар амалга оширган маънавий ишлар билан яқиндан таништириш;
- Ватан тақдири, юрт келажакига дахлдорлик ҳиссини уйғотиш.

МУҲОКАМА

Маънавият араб тилидан олинган сўз бўлиб, “моддий бўлмаган нарсалар” маъносини англатади. Маънавият инсоннинг ички олами, дунёқарашини, онг-шуури, ақли ва тафаккурини камраб олади. Инсонларнинг ҳатти ҳаракати, фикрлари, ғоялари, бажарадиган амалларининг унинг маънавиятини белгилайди. Маънавияти шаклланган инсонгина ўзи, оиласи, жамият ва халқ учун яхши ва ёмон ҳолатларни англай олади. Маънавият кўп қиррали тушунча бўлиб, инсон ички дунёси, дунёқарашини ифодалагани қолмасдан, унинг шахслараро муносабатларини ҳам белгилайди.

Бугунги таълим жараёнида ўқувчи-ёшларнинг маънавий сифатларини ривожлантиришни педагогик имкониятларини аниқлаш, ривожлантириш стратегияларини белгилаш педагогик-ижтимоий зарурият сифатида юзага чиқмоқда. Маънавиятнинг юксалиши илм асосида амалга оширилади. Буюк ҳадисшунос олим Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ ҳадислар” асарида Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в “Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмайди ҳам” деган ҳадислари келтирилган. Демакки инсоният тараққиётида илмнинг, маънавиятнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда ҳам маънавиятни шакллантириш, маънавий ривожланиш масалаларига бағишланган кўаплаб тадқиқотлар, илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бу изланишларда маънавият тушунчасига таъриф

бериш, ёшлар маънавиятини шакллантиришга аҳамият қаратиш каби масалалар изоҳланмоқда.

ХУЛОСА

Ўқувчи ёшларнинг эгаллаган билимлари, тарбияси, дунёқараши, ахлоқий ҳатти-ҳаракатларига кўра унда шаклланган маънавият кўникмаларининг даражаси белгиланади. Шахс маънавияти таркибий тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- ахлоқий маънавият. Оилада таркиб топган тарбиявий муҳит натижасида шаклланади. Ўқувчиларда ахлоқий маънавият шакллансагина улар ўз оила аъзолари билан ўзаро яхши муносабатга кириша олиши, ота-онани ҳурмат қилиши, оиласини қадрлаши, ўз уйи, яқинлари учун қайғуриши, кўни-кўшни, маҳалладошлари, синфдошлари, ўқитувчилари билан ўзаро ҳурмат, самимиятга асосланган мулоқотни амалга ошириши мумкин. Шахс маънавиятнинг энг юксак даражаси бу ахлоқий кўникмаларни эгалланганлиги билан тавсифланади.

- маданий маънавият. Агар ахлоқий маънавият шахснинг ички олами, эътиқоди, кадриятларини ифода этса, маданий маънавият шахснинг мавжуд билимлари, оилада ва жамиятдаги фаолияти натижасида эгаллаган тажрибаси, миллий менталетети, ҳаёти фаолияти давомида шаклланидиган маънавият даражаси ҳисобланади. Шахснинг ўзини тутиши, ҳатти-ҳаракатлари, сўзлаш, муомала, кийиниш одоби, касбий этикаси, атроф-муҳит, табиат, ҳайвонот олами билан тўғри муносабатни йўлга қўйиш кабилар маданий маънавиятнинг таркибий элементлари ҳисобланади.

- кадриятли маънавият. Шахс маънавияти ахлоқий ва маданий жиҳатдан ривожланган шахсда кадриятли маънавият даражалари шакллана бошлайди. Ватанни севиш, ўз яқинларини қадрлаш, инсонпарварлик, бунёдкорлик, масъулиятли бўлиш, миллий урф-одат ва анъаналарни ҳурмат қилиш, аждодларимиздан қолган моддий-маданий ҳамда маънавий меросга эга қилишга, келажак авлодга етказишда ўз ҳиссасини қўшишга интилиш каби жиҳатларнинг шаклланиши шахс маънавиятининг кадриятли маънавият даражасига кўтарилганлиги англатади. Айнан кадриятли маънавият даражасини эгаллаган ўқувчиларда ўз аждодларига, миллий қаҳрамонларига ҳурмат, уларнинг ўз халқи фарованлиги, юртининг тинчлиги йўлида қилган мардликлари, жасоратидан фахрланиш ҳисси кучайди ва улардай ҳаракат қилишга бўлган интилишлари шакллана бошлайди.

REFERENCES

1. Темур тузуклари (форс тилидан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.) -Т.: Нашр матбаа бирлашмаси, 1991. -144б.
2. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. Туркий. 2 томлик. –Тошкент: Адолат, 2005. Т.2. Б. 121-22.
3. Педагогика:энциклопедияси. II жилд/ тузувчилар: жамоа. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2016. – 480 б.
4. Сафарова Р.Г, Джураев Р.Х. Ўқувчи-ёшларни “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари. Т.: - Тафаккур қаноти. 2016 – 400 б.
5. Кошифий Х.В. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. (тарж. Н.Комилов) -Т.: А.Қодирий номли Халқ мероси нашр. 1994. – 112

6. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
7. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
8. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.
9. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
10. Kharaxonova L. M. SPECIFIC ASPECTS OF MEDIA EDUCATION AND ITS USE IN HIGH SCHOOLS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 278-284.
11. Караханова Л. М. DEVELOPMENT OF STUDENTS'KNOWLEDGE BASED ON THE USE OF 3D EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE BIOLOGY EDUCATION //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – №. 2. – С. 55-59.
12. Джураев Р. Х., Карахонова Л. М. Медиаобразование как фактор повышения качества обучения школьников //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2. – С. 322-323.
13. Сафарова Р. Г. и др. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан химоя қилишнинг назарий-методологик асослари. – 2017.
14. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.
15. Karakhanova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY. – 2019. – С. 35-39.
16. Jurayev, R. K., & Karakhanova, L. M. (2020). Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(8), 3500-3505.
17. Musaxonovna, K. L. (2022). General secondary schools requirements for the introduction of informed educational resources for the development of natural sciences. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(5), 855-860.
18. Караханова Л. М. НОВЫЕ ИНТЕРАКТИВНЫЕ ЭЛЕКТРОННЫЕ РЕСУРСЫ В СОВРЕМЕННОМ ОТКРЫТОМ ОБРАЗОВАНИИ В ОБУЧЕНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 1. – С. 1303-1305.
19. Джураев, Р. Х., & Карахонова, Л. М. (2022). ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОПРОВОЖДЕНИЕ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ

- УЧРЕЖДЕНИЯМИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(4), 66-70.
20. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.
 21. Махмудов Т., Адilов В., Qodiroва Z. АРПАНИНГ САРИҚ ПАКАНАЛИК ВИРУСИ ШТАММЛАРИ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ ВА МОЛЕКУЛЯР ДИАГНОСТИКАСИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D4. – С. 147-154.
 22. Sherimbetov, A. G., ADILOV, B. S., Kadirova, Z. N., Makhmudov, T. X., Mambetnazarov, A. B., Ruzmetov, D. R., ... & Karimov, E. Y. (2020). Molecular verification of species identity of some isolates of the genus *Fusarium* deposited in the phytopathogen collection in Uzbekistan. *Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology*, 94-98.
 23. Gaybullaev B., Su-Chin C., Mahmudov T. An Ecological Disaster of the Aral Sea //Journal of Soil and Water Conservation. – 2009. – Т. 41. – №. 3. – С. 325-338.